Куч — адолатда

2010 йил,
25 август,
чоршанба
№ 34 (288)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали топширилсин:

Зияев Юсуп Мингкабилович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг 166-йўл машина станцияси темир йўл қуриш механизми машинисти

Ғопиров Камолидин — Шаҳрихон туманидаги 53-мактаб интернати директори, Андижон вилояти

Эргашева Патила — Бувайда туманидаги «Патилахон» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 24 август

Зияев Юсуп Мингкабилович

Ғопиров Камолидин

Эргашева Патила

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвонлар ва орденлар билан тақдирлансин:

«Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби»

Муҳаммаджонов Рихсибой — Ўзбекистон кино арбоблари бирлашмаси аъзоси, кинодраматург

(Давоми иккинчи бетда)

Дориламон кунлар шукуҳи

Жаҳон харитасида Ўзбекистон деб аталган мустақил давлатнинг пайдо бўлганига ўн тўққиз йил тўлмоқда. Шу қисқа йиллар ичида босиб ўтган йўлимизга назар ташласак, барча соҳаларда амалга оширилган улуғвор саъй-ҳаракатлардан кўнгилда қониқиш ҳиссини туямиз. Ҳа, Ватанимиз жаҳон ҳамжамиятида тенглар ичра тенг давлатлар қаторидан ўрин олди.

Дарҳақиқат, мустақиллик юртдошларимизнинг онгу шуури, дунёқараши, фикрлаш ва турмуш тарзида туб эврилишлар ясади. Бош Қомусимиз ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида инсон омилига эътибор юқори даражага олиб чиқилгани, инсон ҳуқуқи олий қадрият сифатида белгилаб қўйилгани барча соҳаларда қўлга киритаётган мислсиз ютуқларимиз гаровидир, десак, муболаға эмас.

Истиқлолга эришган дастлабки йилларданоқ, Президентимиз раҳнамолигида демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танладик. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш жамиятни ривожлантириш ҳамда давлат қурилишининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган, ривожланишнинг "Ўзбек модели" деб ном олган машҳур беш тамойил мамлакатимизни том маънода янги тараққиёт босқичига олиб чиқди. Ўзига хос ва ўзига мос бўлган тадрижий бу йўлнинг Ўзбекистон учун энг мақбул йўл эканлиги ҳозирга келиб ҳаётда ўз амалий ифодасини топгани, кутилганидан ҳам зиёд ижобий натижаларни кўрсатаётгани барчамизга аён ҳақиқатдир.

Агар 1991-2000 йиллар биз учун миллий давлатчилик асосларини шакллантириш, туб ислоҳот ва ўзгаришлар даври бўлган бўлса, кейинги йиллар фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври сифатида тарих зарварақларига муҳрланмоқда. Шуниси эътиборга моликки, дастлабки пайтларда миллий давлатчиликни шакллантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди. Давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари шакллантирилиб, ижтимоий ва фуқаролик институтлари фаолияти йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, иқтисодиётни эркин бозор муносабатларига ўтказиш жараёни изчил амалга оширилди. Тараққиётимизнинг иккинчи босқичида эса, сиёсий ва иқтисодий ҳаёт, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, мустақил суд тизимини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, одамларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини ошириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш асосий йўналишга айланди.

(Давоми учинчи бетда)

Iftixor

Ёш иқтидор эгаларига рағбат

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ёш истеъдодлар учун "Ниҳол" мукофотининг таъсис этилгани миллий мусиқа санъатимизни янада равнақ топтириш, ғоявий-бадиий теран асарларни яратиш, ўз услубига эга қобилиятли ижрочиларни аниқлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш имконини бераётир.

Бу жиҳатлар мусиқа санъатини ривожлантириш орқали ёш иқтидор эгаларини аниқлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, янги ижодий марралар сари илҳомлантиришдек эзгу ишларда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Юртимизда ўтказилаётган турли фестиваль ва танловлар иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларнинг ижодини тарғиб ва ташвиқ этиш, фаолиятини янги, янада юксак талаб ва мезонлар асосида ташкил этиш имконини бермоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Islohot va samara

Дунёда қамрови кенг бир тушунча бор: бу — инсонпарварлик. Унинг замирида кечиримлилик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, мурувват, саҳоватлилик, йиқилганни суяш, хато қилганга тўғри йўл кўрсатиш, кўмакка муҳтож одамга ёрдам қўлини чўзиш сингари эзгу, хайрли амаллар ётади.

Бағрикенглик тамойили амалда

Инсонпарварлик халқимизнинг табиатига сингиб кетган энг сара фазилатларни ўзида жамлаган. Амалдаги қонунларимиз ҳам ана шу инсонпарварлик тамойиллари асосига қурилган. Буни жиноят ишлари бўйича судлар томонидан вояга етмаганларга нисбатан қўлланилаётган жазо тайинлаш амалиётида ҳам кузатиш мумкин.

Вояга етмаган судланувчи Б.Ҳакимов шу йил 8 март куни кундуз соат ўн иккиларда таниши, вояга етмаган Ж.Миржонов билан ўзаро тил бириктириб, фуқаро А.Қодировнинг ҳовлисига девордан ошиб киришади. Ҳовлида ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, уй ичига дераза ойнасини синдириб кириб, жабрланувчининг жами 790 минг сўмлик мол-мулкини ўғирлаб кетишади.

(Давоми учинчи бетда)

Ватанимиз мустақилликка эришгач, халқ амалий ва бадиий санъатига, ҳунармандчиликка муносабат тубдан ўзгарди. Ҳунармандлар меҳнати қадр топди. Бугун ушбу соҳа яна миллий қадриятларимизнинг муҳим манбаи даражасига кўтарилди. Ҳунармандни халқимиз ҳам, давлатимиз ҳам эъзозламоқда.

Ҳунармандлар эъзозда

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимиз фаровонлиги ва миллий ҳунармандчилигимиз ривожига ҳисса қўшаётган тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Буни соҳани янада ривожлантириш, янги устахоналар, хусусий корхоналар барпо этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. "Ҳунарманд" уюшмасига аъзо бўлган усталар 7 йилгача, унга аъзо корхоналар эса 5 йил муддатга мулк ва даромад солиғидан озод қилинган. Молия муассасаларидан имтиёзли кредитлар олиш имконияти яратилган. Миллий ҳунармандчилик ривожига бундай юксак эътибор, ҳунармандлар учун яратилган бу каби кенг имтиёзларни бошқа мамлакатларда учратиш қийин.

2005 йили кичик тикув цехи ташкил этиб, бир неча нафарга қизга миллий либослар тикиш сирларини ўргатдик. Бежирим аёллар либослари ва безак буюмлари ишлаб чиқаришни, пардалар тикишни йўлга қўйдик. Маҳсулотларимиз анча харидоргир.

Техник ва технологик имкониятлар қанчалик ортиб бормасин, ҳунарманд меҳнатига эҳтиёж ҳеч қачон камаймайди. Қўлда яратилган буюм ёки жиҳознинг жозибаси ўзгача. Зеро, ҳунар эгаси маҳсулотни маълум кўникма ва тажриба, анъаналарга асосланиб, меҳр ва иштиёқ билан тайёрлайди.

Миллий каштачилигимизнинг "Қалампирмунчоқ", "Тумор", "Анор", "Товус", "Марварид" каби юздан ортиқ тури борки, уларнинг ҳар бири ўз мазмун-моҳияти ва тарихига эга. Улар оқ адрас матога ҳақиқий ипакдан тикилиши билан бошқа кашталардан фарқланади.

Ҳозир корхонамиз қарийб 30 та тикув машинасига эга. Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди ҳамда "Микрокредитбанк" томонидан ўтказилган танловда фаол иштирок этиб, 40 миллион сўмлик имтиёзли кредит олдик. Мазкур маблағ эвазига "Тўмарис" текстиль шўъба корхонаси фаолиятини йўлга қўйиб, янги иш ўринлари очяпмиз.

Айни вақтда корхонамизда иш юритаётган 60 нафардан зиёд аёлнинг 30 нафари касаначилик асосида меҳнат қилади. Устоз-шогирд анъанаси бўйича 20 нафар хотин-қиз тажрибали тикувчилардан ҳунар ўрганмоқда.

Муҳаббат ЖЎРАЕВА,
Пастдарғом туманидаги "Шаҳбоз" кўп тармоқли хусусий корхонаси раҳбари

31 avgust — Qatag'on qurbonlarini yod etish kuni

Аждодлар ёди мангу барҳаёт



Дунёдаги ҳар бир халқ ва элатнинг мустақил тараққиёт йўлини белгиловчи тушунчалар инсоният томонидан ҳамиша юксак қадрланиб келинган. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, тақдири ўз қўлида бўлмаган халқнинг дарду ҳасрати тугамайди, авлодлари рўшнолик кўрмайди. Шунинг учун қадим-қадимдан халқлар ўз юрти мустақиллиги учун жон фидо қилган.

Бизнинг аждодларимиз ҳам ана шундай фидойи, ватанпарвар, келажак авлодлари учун ёруғ толе яратиш мақсадида мардларча ҳаёт кечирган маънавияти юксак, тафаккури теран инсонлар бўлишган. Бугун қад ростлаган неча-неча асрлар тарихидан сўзловчи муҳташам ёдгорликлар, бебаҳо маънавий обидалар, буюк сиймоларнинг мардона ҳаёт йўли ҳақидаги ибратли манбалар бундан яққол далолатдир.

1991 йилнинг 1 сентябрь тонгида юрт озодлиги йўлида қурбон бўлган ана шундай фидойи аждодларимизнинг тилаклари ижобат бўлди. Ватанимиз мустақилликка эришди. Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бугунги фаровон кунларимиз учун жон фидо этган аждодларимиз руҳини эъзозлашга устувор аҳамият берила бошланди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2000 йил пойтахтимизда "Шаҳидлар хотираси" хиёбони бунёд этилди.

(Давоми учинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Расулов Алишер Турсунбоевич — Республика эстрада-цирк коллежи ўқитувчиси, композитор

«Ўзбекистон Республикаси халқ артисти»

Адашев Ражаб Ҳалимович — «Ўзбекфильм» киностудияси актёри

Назарбеков Озодбек Аҳмадович — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

«Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси»

Каллиев Тенелбай Генжебаевич — Нукус маданият ва санъат коллежи ўқитувчиси, бахши

«Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»

Санаев Зиёдулла Файзиевич — Самарқанд вилояти, Нарпай туманидаги 52-умумий ўрта таълим мактаби директори

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»

Алимов Самандар Чориевич — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

Абдуллаева Меҳрижон Кабировна — Наманган вилоят мусиқали драма театри вокал артисти

Аҳмедова Лола Бахтиёровна — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

Зиёев Абдунаби Кўчқорович — Бадиий жамоалар ижодий бирлашмаси «Мақом» ансамбли созандаси

Раҳматов Меҳриддин Тожиддинович — Ўзбек миллий академик драма театри актёри

Узоқова Шоҳида Норматовна — Ўзбек давлат драма театри актёри

Умарова Фаридахон Жўраевна — Республика ёш томошабинлар театри актёри

Усмонов Рамиз Бекназарович — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

Ҳамроева Нодира Михайловна — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри балет артисти

Кўзиев Тоир Асқарович — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси «Сато» гуруҳи бадиий раҳбари

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

Ортиқов Ғайрат Азизович — Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти, рангтасвирчи рассом

Омирзакова Кирмизи Жумамуратовна — Қорақалпоғистон Республикаси, Шуманай туманидаги 2-умумтаълим мактабининг математика ва информатика фани ўқитувчиси

Убайдуллаев Мирза-Улуғбек Абдуллаевич — Андижон олимпия захиралари спорт коллежи директорининг спорт ишлари бўйича ўринбосари

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист»

Бузруков Аҳмаджон Аъзамхонович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот» информацион эшиттиришлар муҳарририяти бўлим мудири

Мамадиев Равшан Абдуманнобович — «Наманган ҳақиқати» газетаси катта мухбири

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими»

Атабоев Давронбек Жуманазарович — Хоразм вилоят қўғирчоқ театри раҳбари

Ботиров Зубайдулла Ворисович — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри бош рассоми

Бомуродов Бобур Ҳодиевич (Бобур Бобомурод) — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Воҳидов Шухрат Хуршидович — Ўзбекистон темир йўллари маданият саройи бадиий раҳбари, хонанда

Мамажонов Анвар Алимжонович — Республика рассомлик коллежи ўқитувчиси, график рассом

Мамадиев Абдинаби — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмасининг Қашқадарё вилояти бўлими аъзоси, рангтасвирчи рассом

Мўминова Шаҳнозхон — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, чиннисоз-рассом

Раҳматов Султонали Аҳмаджонович — Эркин ижодкор, бастакор

Сафарова Матлуба Тилаволдиевна — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телеканали Маданий-маърифий ва бадиий дам олиш дастурлари бош муҳарририяти катта муҳаррири

Ҳакимжонов Ҳотам Халилович — Марғилон шаҳар маданият уйи бадиий раҳбари, бадиий сўз устаси

Ҳасанов Ҳамидулла — «Ўзбекфильм» киностудияси кинооператори

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»

Жўраев Ихтиёр Бозорович — Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий марказининг Навоий филиали анестезиология-реанимация бўлими мудири

Тошбеков Фарҳод Бахромович — Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги тиббиёт-санитария бирлашмаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»

Пономарёв Александр Викторович — Сув спорти турлари республика олий спорт маҳорати мактабининг байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича мураббийи

Курбонов Олимжон Исоқович — Республика олимпия захиралари коллежининг юнон-рум кураши бўлими бош мураббийи

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»

Аҳмедов Баҳодир Йўлдошбоевич — Футзал бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Каримова Евгения Сергеевна — Таэквондо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Курбонов Равшанбек Давлатович — Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази директори

Меньков Вадим Юрьевич — Байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Юсупов Ибрагим — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри бош балетмейстери

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Зиёмуҳамедов Садриддин Муҳиддинович — Ўзбекистон кино арбоблари бирлашмаси аъзоси, саҳналаштирувчи-рассом

Муҳамедов Қобилжон Ғафурович — Тошкент кимё-технология институтининг Қўнғирот сода заводи қошидаги махсус сиртқи бўлим декани

Норматов Нодир — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, санъатшунос

Равшанов Мансур Темирович — Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри бош режиссёри

Рафиқов Абзал Азимович — Ўзбек давлат драма театри актёри

Ҳасанов Фахриддин Салоҳович — «Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти таҳририят мудири

Хўжаёров Бахтиёр — Ўзбекистон Фанлар академияси Самарқанд бўлими раисининг ўринбосари, Минтақавий муаммолар комплекс илмий-тадқиқот институти директори

Шарипов Сайдиолим Акрамович — «Давлат белгиси» давлат илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош рассом-дизайнери

Эгамова Зулайҳо Ибрагимовна — Навоий вилояти, Навбаҳор туманидаги 14-мактаб директорининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари

Юнусов Ҳамроқул Некбаевич — Қашқадарё вилояти, Касби тумани тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлими бошлиғи

I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Умаров Иброҳимжон Саматович — Фарғона вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг хирургия бўлими мудири

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Тўрақулова Муқаддамхон Маҳмудовна — Жиззах вилояти, Мирзачўл туман тиббиёт бирлашмасининг «Ўзбекистон» қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт врачи

Усмонова Муаттар Жалиловна — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали «Болалар ва ўсмирлар» эшиттиришлари бўлими мудири

«Дўстлик» ордени билан

Азимов Абдумажид Абдуллаевич — «Моҳият» газетаси бош муҳаррири

Атабоев Азаматжон Шодмонбекович — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи рассом

Галахов Олег Викторович — Ўзбекистон академик рус драма театри актёри

Ғуломов Шухрат Маннопович — Тошкент давлат техника университетининг кафедра профессори

Зимин Андрей Юрьевич — Бухоро вилояти, Ромитан саноат касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси

Мирхолиқов Раҳим-Мурод Тўхтаевич — «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи муҳаррири

Пак Зинаида Владимировна — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси муқовалаш цехи матбаачиси

Сайимов Салим Сайимович — Қарши санъат коллежи директори

Солиҳов Улуғбек Шокирович — Тошкент давлат мусиқали комедия (оперетта) театри овоз режиссёри

Юсубов Багбек — Хоразм вилояти, Ҳазорасп туманидаги 1-ихтисослашган мактабнинг математика фани ўқитувчиси

Қосимов Иброҳим Сотволдиевич — Сирдарё вилоят мусиқали драма театри актёри

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислоҳотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Шуҳрат» медали билан

Абдуҳакимова Мўттихон — Республика Маънавият тарғибот марказининг Андижон вилояти Хўжаобод тумани бўлими тарғиботчиси

Акрамов Саидазим Сайдаматович — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси офсет босма цехи бошлиғи

Арипова Мастура Ҳикматовна — Тошкент кимё-технология институтининг кафедра мудири

Атабоев Зокиржон Жуманазарович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Республика телерадиомарказининг овоз ёзиш режиссёри

Ботиров Шухрат Хайруллаевич — Навоий кончилик коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Баҳодиров Ғайрат Отахонович — Ўзбекистон Фанлар академияси бош илмий котиб ўринбосари, фундаментал ва амалий дастурлар бўлими бошлиғи

Бекназаров Тошқул Эшонқулович — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Жиззах вилояти бўйича мухбири

Бобожонов Абдужаббор Қораевич — Сурхондарё вилояти, Сариосиё туман маданият уйи услубчиси

Бомуротов Карим Атобоевич — Республика Маънавият тарғибот марказининг Бухоро вилояти Шофиркон тумани бўлими тарғиботчиси

Ғафурова Сайёра Акмаловна — Ўзбекистон давлат консерваторияси махсус фортепиано кафедраси доценти

Дадамуҳамедова Шоҳида Мубашировна — Тошкент шаҳар 1-сонли болалар клиник шифохонаси кўз микрохирургияси бўлими мудири

Исомов Баҳодиржон Сирожиддинович — Республика Маънавият тарғибот марказининг Фарғона вилояти Риштон тумани бўлими тарғиботчиси, шоир

Муталов Шухрат Азизович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ёшлар» телерадиоканали бош телеоператори

Набиева Ирода Абдусаматовна — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кафедра мудири

Нуржанова Ўрозгул Ҳожабоевна — Урганч маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг физика фани ўқитувчиси

Олимов Одил — Андижон уй-жой ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежининг чизмачилик фани ўқитувчиси

Пиязов Женисбек Буркитович — Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси, хонанда

Полонская Людмила Алексеевна — «Туркистон»-«Молодежь Узбекистана» газеталари мухбири

Пушкарева Ольга Сергеевна — Навоий вилояти «Знамя дружбы» газетаси корректори

Ражабов Илёс Комилжонович — Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи босма цехининг 5-даражали чоп этувчиси

Саримсоқов Эшқўзи Қодирович — Сирдарё вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси директори

Сатторова Муборак Бориевна — Термиз санъат коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Серафимова Люда — Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси бош мутахассиси

Солиева Хури Мелихўжаевна — Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ туманидаги 16-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

Сулаймонов Ботиржон Абдушукурович — Тошкент давлат аграр университетининг кафедра мудири

Турсунов Лутфилло Саидмуродович — «Хабар» газетаси масъул котиби

Тўхтаева Кубарро Акрамовна — «Усто» бирлашмасининг Самарқанд вилояти бўлими аъзоси, каштадўз уста

Умурзоқова Раъно Бердалиевна — Наманган вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг рентген бўлими лаборанти

Ҳикматова Инобат Сайфиевна — Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти қошидаги 1-сонли академик лицейнинг математика фани ўқитувчиси

Шаҳобов Умид Шарифжонович — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

Ширинова Гулчехра Хайруллаевна — «Соғлом авлод» газетаси катта мухбири

Эргашова Мухтасархон Йўлдошевна — Андижон вилояти, Балиқчи туман тиббиёт бирлашмасининг «Аълам» қишлоқ врачлик пункти мудири

Қўшбоқова Собира Мусурмоновна — Сирдарё вилояти, Мирзаобод туман тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлими навбатчи фельдшери

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 24 август

Mezon

Судларда ҳимоя ҳуқуқи

унинг изчил таъминланаётгани инсон манфаатларига хизмат қилмоқда

Мамлакатимизда тарихан қисқа вақт ичида инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланган фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан тадбиқ этилаётган ҳаётимизнинг барча жабҳаларини демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш йўлидаги ислоҳотлар негизида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг пухта ҳимоясини таъминлашга қаратилган эзгу мақсад мужассам.

Таъкидлаш жоизки, Контитуциямизнинг 25-моддасида ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга эканлиги, 26-моддасида жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги, судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилиши эътироф этилган.

Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланиши, тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатлангани, фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам олиш учун адвокатура фаолият кўрсатиши, адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланиши Конституцияни 116-моддасида назарда тутилган.

Ўтган давр мобайнида бу борада туб ислоҳотлар амалга оширилди, адвокатурага оид қонунчилик бугунги кун талаблари даражасида такомиллаштирилди. Суд жараёнида тортишув тамойили, яъни прокурор билан адвокат ҳуқуқларининг тенглиги таъминлангани одил судлов сифатини яхшилашга хизмат қилаётганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 24-моддасида гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Ушбу қонуний талабдан келиб чиқиб, жиноят ишини юритишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ҳамда судья жиноят ишидаги гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига унга берилган ҳуқуқларни тушунтиришлари ва ўзига тегишли ҳимоя ҳуқуқидан амалда фойдаланишига имконият яратиб беришлари шарт.

Таъкидлаш лозимки, судлар иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар албатта, синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текширилиши зарурлиги ҳақидаги қонун талабларига оғишмай риоя этиши, айбланувчини, судланувчини нафақат фош этадиган, балки оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатларни ҳам аниқлаши шарт. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашнинг муҳим кафолати – бу унинг айби қонунда белгиланган тартибда исботланмагунча ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқланмагунча айбдор ҳисобланмаслиги ҳақида Жиноят-процессуал кодексида белгиланган айбсизлик презумцияси принципига қатъий амал қилишдадир.

Суд амалиётини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, суриштирув, тергов идоралари ва судлар гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ҳимоя ҳуқуқини таъминлаб келмоқдалар.

Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасида ҳимоячи гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилишни амалга ошириши ҳамда уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиши белгиланган. Бунда ҳимоячи сифатида адвокатлар иштирок этиши мумкин. Адвокатнинг ишда иштирок этишига у адвокат гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этганидан кейин рухсат берилади. Ҳимоячининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса, унинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб рухсат этилади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир жиноят иши бўйича суриштирув, тергов олиб боришда ёки суд муҳокамасида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳимоя ҳуқуқлари таъминланиши фуқаролар манфаатларига хизмат қилмоқда.

Адҳам РАҲМОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти судининг раиси

Iftixor

Ёш иқтидор эгаларига рағбат

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ёш истеъдодларни кашф этишда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъсис этилган «Ниҳол» мукофотининг ўрни ва аҳамияти ғоят катта. Ҳар йили ушбу кўрик-танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичлари юқори савияда, қўтаринки ва байрамона руҳда, айни пайтда қатъий бадиий талаб ва мезонлар асосида ўтказилмоқда.

Ушбу мукофот учун ўтказилган танлов эстрада санъати, мусиқа ижрочилиги, мумтоз қўшиқ, опера ижрочилиги, рақс санъати йўналишларида бир неча босқичда ўтказилди. Жорий йилда мен ана шу танловда опера йўналиши бўйича ғолиб деб топилдим. Бундай ютуқ келгусида янада кўпроқ ўқиб, изланишга даъват этади. Аслида ҳам юртимизда ёшларнинг жаҳон андозалари даражасида билим олиши, юксак маънавиятли инсон бўлиб вояга етиши, ўз қобилияти ва иқтидорини кенг намоён этиши учун барча шарт-шароит яратилган. Биз, ёшлар бундай имкониятларга муносиб бўлмоғимиз, ўз ижодимиз, меҳнатимиз билан мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, унинг саодатли неъматларини кўз қорачиғидек асраб-авайлашга муносиб ҳисса қўшмоғимиз даркор.

Лола МАХАМАТДИНОВА,
«Ниҳол» мукофоти совриндори,
Бердақ номидаги
Қорақалпоқ давлат университетининг
мусиқа факультети талабаси

Истиқлол фарзандиман

Ота-боболаримизнинг азалий орзуси рўёбга чиққан, Ватанимиз мустақилликка эришган куннинг иккинчи тонги — 1991 йилнинг 2 сентябрида туғилганман. Ватанимиз истиқлоли билан тенгқур эканлигимдан ҳамиша фахрланаман.

Мустақиллик биз, ёшларга жаҳон андозалари даражасида билим олиш, иқтидор ва салоҳиятимизни намоён этиш, дунё мамлакатлари ёшларидан асло кам эмасликларимизни кўрсатишга имконият яратиб берди.

Ўтган 2009 йилда Республика фан олимпиадасида тарих фанидан иштирок этиб, фахрли учинчи ўринни эгалладим ва Тошкент Давлат юридик институтига ўқишга имтиёзли равишда қабул қилиндим.

Мустақиллик — ҳуқуқ демакдир. Мустақил юртимизда демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ҳамда қонунлар билан ҳимоя қилинади. Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пойдевори ва ҳуқуқий асоси — Конституция, у давлатимиз мустақиллигининг ҳуқуқий рамзи, халқимиз хоҳиш-иродасининг олий ифодасидир. Чунки ҳар бир Конституция муайян бир халқнинг кўп йиллик бой тарихини, фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий эркинликларини, давлат ва фуқаролар ўртасидаги ҳуқуқий алоқани ўзида акс эттиради.

Биз, ёшлар эса, ана шундай ҳуқуқий-демократик давлат, адолатли фуқаролик жамиятининг муносиб ворислари бўлиб камолга етишга, озод ўлкада фахр-ифтихор билан яшашга ҳақли эканлигимиздан қалбларимиз ғурурга тўлади.

Сирожиддин САПАРБАЕВ,
ТДЮИ талабаси

Islohot va samara

Бағрикенглик тамойили амалда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Вояга етмаган судланувчи Б.Ҳакимов ўзининг юқоридаги ҳаракатлари билан Жиноят кодексининг 169-моддаси 2-қисми «в,г» бандларида кўрсатилган жиноятни қасддан содир қилган. Шу ўринда айтиш керакки, дастлабки тергов пайтида ўғирлик моллар эгасига қайтарилган, зарар ўрни қопланган. Жабрланувчининг даъвоси йўқ.

Олий суд Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги **«Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»**ги қарорининг 1-бандида **«Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни кўришда, иш бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни синчковлик билан ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиш, қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва судланувчининг шахсини эътиборга олган ҳолда аниқланган ҳақиқий ҳолатлар ва далиллар мажмуасига тўғри баҳо берилиб, одиллик ва инсонпарварлик тамойилларига амал қилган ҳолда қонунда кўрсатилган хусусият ва имтиёзлардан тўла фойдаланишга эътибор қаратилиши лозим»**лиги раҳбарий тушунтириш сифатида берилган.

Ушбу Пленум қарорининг 6-бандида «Судларга ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахсларга нисбатан Жиноят кодексининг 88-моддасида кўрсатиб ўтилган мажбурлов чораларини кенгроқ қўллаш уқтирилсин.

Жиноят кодексининг 87-моддаси 2-қисмида кўрсатилган асослар билан вояга етмаган шахсни жазодан озод этиш ва унга нисбатан шу кодекснинг 88-моддасида кўрсатилган мажбурлов чораларини қўллаш юзасидан суд жазо тайинламасдан туриб жазодан озод этиш ҳақида ҳукм чиқаради» деб кўрсатилган.

Биринчи босқич суди судланувчи вояга етмаган Б.Ҳакимовга нисбатан жазо тайинлашда ушбу Пленум қарорларига таяниб, унинг айбига иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, вояга етмаганлиги, муқаддам судланмаганлиги, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини инобатга олиб, Жиноят кодексининг 87-моддаси 2-қисмига асосланиб, уни жазодан озод қилган ҳамда шу кодекснинг 88-моддасида кўрсатилган мажбурлов чораларидан бири — жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклаб ҳукм чиқарган.

Ёки иккинчи мисол.

Бола бола экан-да. Вояга етмаган Жамолиддин Шоҳруҳ билан жанжаллашиб қолганди. Тенгқурларнинг жанжали Шоҳруҳнинг масхаралаб қочиб кетиши билан тугаганди. Жамолиддин уйига келгач, бу ҳақда акаси Фахриддинга айтади. Орадан икки кун ўтиб Фахриддин кўчада синфдошлари билан кетаётган Шоҳруҳни кўриб қолиб уни йўл четига тортади. Укаси билан ўрталарида бўлиб ўтган воқеани эслатиб Шоҳруҳнинг елкасига қўлини қўяди. Бу Шоҳруҳга ёқмайди, Фахриддиннинг қўлини силтаб ташлайди. Бундан Фахриддиннинг жаҳли чиқади ва у Шоҳруҳнинг юзига мушт туширади.

Жабрланувчи Ш.Пўлатов ерга йиқилади. Тўғри, синфдошлари уларни ажратиб қўйишади. Бироқ Шоҳруҳ мушт зарбидан «ўртача оғирликдаги тан жароҳати» олганди. Ф.Камолиддинов ўзининг юқоридаги ҳаракатлари билан Жиноят кодексининг 105-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганди.

Биринчи босқич суди суд муҳокамаси чоғида Ф.Камолиддиновнинг айбига иқрорлиги, қилган ишидан афсусда эканлиги, ҳозирда жабрланувчидан кечирим сўраб, унга етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплаб у билан ўзаро ихтиёрий равишда ярашганлигини айтган. Жиноят ишини ярашувга кўра, ҳаракатдан тугатишни сўраган. Ўз навбатида суд мажлисида жабрланувчи Ш.Пўлатов Ф.Камолиддиннинг кўрсатмаларини тасдиқлаган. Гумонланувчи билан ихтиёрий ярашганлигини, моддий зарарни тўлиқ қоплаганлигини, гумонланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, судга ярашув тўғрисида ариза топширган.

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 583-моддаси 1-қисмига асосан ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи ёхуд унинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки терговнинг, шунингдек, суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхонага киришидан олдин берилиши мумкин. Жиноят кодексининг 66[1]-моддасида «Ушбу кодекснинг 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин»лиги кўрсатилган.

Шу ўринда Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасининг 4-қисмига тўхтатилишга тўғри келади. Негаки, унга асосан жабрланувчи Жиноят кодексининг 66[1]-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши суд томонидан айблилик масаласи ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкин.

Суд Жиноят кодексининг 105-моддаси 1-қисми билан гумонланган вояга етмаган Ф.Камолиддиновга нисбатан жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан суд мажлиси баённомасини тасдиқлаб, жиноят ишини иш юритувидан тугатишга ажрим қилган.

Мухтасар қилиб айтганда, судлар томонидан вояга етмаганларга нисбатан ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган жинояти учун жазо тайинлашда инсонпарварлик тамойилларига қатъий амал қилинмоқда. Биз юқорида уларнинг баъзилари ҳақида фикр юритдик, холос. Қисқаси, бу мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг амалдаги самарасидир.

Насриддин ДАМИНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Навоий вилояти
судининг раиси

E`tirof

Дориламон кунлар шукуҳи

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бунда ўтиш даври ва миллий давлатчиликни барпо этиш шароитида объектив зарурат бўлган кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига изчил ва босқичма-босқич ўтишга эришиш ушбу даврда давлат тизимини ислоҳ этишнинг асосий ва ҳал қилувчи вазифаси бўлишига алоҳида аҳамият қаратилди. Тараққиётнинг иккинчи босқичида мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи — Олий Мажлис икки палатали парламентга айлантирилди.

Суд — ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришга алоҳида аҳамият қаратилиб, шахснинг ҳуқуқий манфаатларини қонун йўли билан ҳимоя қилиш ва янада кенгайтириш, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида ҳам кўламли ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда.

Германия Бундестаги аъзоси Херта Дойблер-Гмелиннинг эътирофича, **Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимида босқичма-босқич ва изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг амалда ўз ифодасини топаётгани юксак муваффақиятдир. Бунга Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилингани ёрқин мисолдир.**

Ҳақиқатан ҳам, дунёнинг машҳур давлат ва жамоат арбоблари, сиёсатшунос олимлари мамлакатимизда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ўзгаришларга юксак баҳо беришаётгани қувончли ҳол, албатта. Айниқса, Ўзбекистонда инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш борасида мақсадли, тизимли ва комплекс тадбирлар ҳаётда ўз аксини топаётгани улар томонидан мамнуният билан таъкидланмоқда. Бу, аввало, ҳар бир инсоннинг яшашга бўлган ҳуқуқи, асоссиз жиноий жавобгарликка тортилишдан ҳимояланиш ва шахсий ҳаётга аралашиш, шахсий дахлсизлик, шунингдек, одил судловга бўлган ҳуқуқларига тааллуқли бўлиб, бу ҳам мустақиллик халқимизга бахш этган энг олий неъматлардан биридир.

Мамлакатимиз аҳолисининг XX аср сўнгида қўлга киритган улуғ тарихий ғалабаси ҳисобланмиш мустақиллигимизни қадрлаш, асраб-авайлаш, кўз қорачиғидек ҳимоялаш билан бир қаторда, диёримизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти асосларини барпо этишга ҳар биримиз ўзимизнинг муносиб улушимизни қўшишимиз инсоний бурч ва масъулиятдир.

Шуҳрат ДЕҲҚОНОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси депутати

31 avgust — Qatag`on qurbonlarini yod etish kuni

Аждодлар ёди мангу барҳаёт



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мажмуа таркибида "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи ва шу номдаги жамғарма ташкил қилинди. 2001 йилдан буён 31 август мамлакатимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонлаб келинади.

Ҳозирги кунда "Қатағон қурбонлари хотираси" музейининг аввалги якка гумбазли биноси ёнида унинг шарқона услубда қурилган иккинчи кўркам биноси қад ростлаб турибди. Музей гумбазларининг ички томони Самарқанддаги машҳур Тиллакори мадрасаси гумбазига яқин услубда безатилган. Муҳташам заллардаги стендлар ва экспонатлар ўзаро уйғунлик касб этган.

Музейнинг учинчи залидан ўрин олган экспонатлар мустақиллик йилларида мамлакатимизда тарихий ҳақиқат ва адолатни тиклаш, шу жумладан, қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш, миллий ўзлигимиз, қадриятларимиз, маънавиятимиз, тарихий обидаларимиз, динимизни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга безавол етказиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишларни ифодалайди.

Музейнинг янги экспозициясидан юзлаб ноёб фотосуратлар, тарихий ҳужжатлар, турли хил экспонатлар — нодир китоблар, ашёвий буюмлар ўрин олган. Уларнинг барчаси халқимиз бугунги озод ва эркин, фаровон ҳаётга эришиш учун не-не оғир синовлардан ўтганини яна бир бор яққол тасдиқлайди.

Музей энг илғор ахборот технологиялари ва замонавий дизайн талаблари асосида жиҳозланган. Ҳар бир бўлимдаги экспозициялар янги-янги тарихий экспонатлар, буюм ва ашёлар, матнли стендлар ва фотосуратлар билан бойитилган. Айни пайтда музей залларида видеомонитор, мульти-медиа ускуналари ёрдамида тегишли лавҳаларни томоша қилиш, тарихий маълумотларни бевосита эшитиш имконияти ҳам яратилган.

Айтиш жоизки, "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуаси бугунги кунга келиб халқимизнинг энг севимли қадамжоларидан бирига айланди. Бу ерга ташриф буюрувчиларнинг қадами узилмайди.

Бу мажмуа барпо этилаётганда тарихий ҳақиқатнинг ёрқин тимсоли бўлиш билан бирга бахтли келажакнинг ҳам кўприги бўлиши ният қилинган эди. Бугунги кунда ушбу табаррук даргоҳда никоҳ либосида сайр қилиб юрган келин-куёвларни кўрганда, бундай орзулар ижобат бўлгандек кўринади. Зеро, ташкил топаётган янги оила аъзолари илк ҳаётини тарихимизнинг ўзига хос саҳифаларини англаш ва идрок этишдан бошлаш мақсадида бу хиёбонга ташриф буюради. Улар нафақат тарихимизни идрок этишади, балки орзуси ушалмай кетган аждодларимизнинг пок руҳлари олдидаги масъулиятни ҳам ёдга олишади.

Дарҳақиқат, тарихдан тўғри ва оқилона сабоқ олиш, ўзлигимизни англаш, ўтмишимизнинг аянчли даврларини теран ҳис этиш Истиқлол нечоғлик буюк неъмат эканини чуқур англашимизда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Буни янги ҳаёт остонасида турган ёшлар англашга интилаётгани эса, ўн чандон қувонарлидир. Чунки улар барпо этаётган оилада келажагимиз эгаси бўлган авлодлар дунёга келади. Халқимизнинг тарихини юксак қадрлайдиган отаоналар эса фарзандларига ўтмишимизнинг қаро кунларидан қолган аччиқ хотиралар ва бугунги замонамизнинг қадр-қиймати хусусида тўлиқ тушунча бера оладилар. Шу тахлит хотира деб аталмиш улуғ туйғу аждодлардан авлодларга ўтиб барҳаёт яшайверади. Бугунги кунларимиз учун жон фидо этганларнинг руҳлари ҳамиша эъзоз ва қадр топаверади.

Баҳор ХИДИРОВА,
журналист

Jinoyatga jazo muqarrar

Қоидага амал қилган ютқазмайди

Мустақиллик йилларида амалга оширилган туб ўзгаришлар натижасида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг муҳим бўғини бўлган суд тизими ҳам буткул қайтадан ташкил этилди. Олиб борилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари судларни демократлаштириш ва мустақиллигини таъминлаш, суд ҳокимиятини мустаҳкамлаш, қонунчиликни либераллаштиришга хизмат қилмоқда. Айниқса, судларнинг ихтисослаштирилиши ишларни сифатли кўриб чиқиш имконини яратди.

Жумладан, жиноят ишлари бўйича судлар томонидан ишни кўриш сифатини яхшилаш, суд амалиётини вақти-вақти билан ўрганиш ва умумлаштириш ўтказиб боришга эътибор қаратилмоқда. Хусусан, транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноят ишлари малакали суд таркибида кўрилиб, жиноятни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилишнинг таъсирчан чорасини кучайтириш зарурлиги инобатга олинмоқда.

Амалдаги Жиноят кодексининг 266-моддасига мувофиқ, транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказишига сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорида жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Агар ушбу қилмиш одам ўлимига сабаб бўлса, у ҳолда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади. Бундан ташқари ўша қилмиш одамлар ўлимига, ҳалокатга, бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, айбдор муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши кўрсатилган.

Судланувчи Р.Исмоилов қўшниси А.Юлдашевга тегишли «Тико» русумли автомашинани ишонч хати орқали бошқара бошлайди. Бу орада у ўз ҳаракатларининг қонунийлигини таъминлаш мақсадида Нукус шаҳри «Тулпор-такси» фирмасида рўйхатдан ўтади. Аммо орадан кўп ўтмай у бахтсиз ҳодисага учрайди. Аслида, бунга унинг ўзи айбдор. Негаки, у спиртли ичимлик истеъмол қилгани ҳолда машинани бошқарган. Мазкур ҳодисанинг ачинарли томони шундаки, бахтсиз ҳодиса оқибатида бир бегуноҳ одам ҳаётдан бевақт кўз юмади.

Шунга ўхшаш яна бир воқеа. Ўтган йилнинг куз ойларида судланувчи У.Атажанов ўзига тегишли бўлган «ЗИЛ 130» русумли автомашинасида «Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу» йўли билан Беруний туманидан Нукус шаҳрига томон бораркан, амалдаги Йўл ҳаракати қоидаларининг 1.2 бандида кўрсатилган «Ўзбекистон Республикаси йўлларида транспорт воситаларининг ўнг тарафлама ҳаракатланиш тартиби белгиланган»лиги ҳамда 12.1 бандида кўрсатилган «...Транспорт воситасининг тезлиги ҳайдовчига қоидалар талабларини бажариш учун унинг ҳаракатини доимо назорат қилиб борариш имкониятини бериш керак. Ҳаракатланишда ҳайдовчи аниқлай олиш имкониятида бўлган хавф ёки тўсиқ пайдо бўлса, у транспорт воситасининг тезлигини тўлиқ тўхташини таъминлайдиган даражада камайтириш ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавфсиз айланиб ўтиш чораларини кўриши керак»лиги ҳақидаги талабларини қўпол равишда бузган. Натижада йўлнинг қарамақарши томонидан ўз йўналиши бўйлаб келаётган Хоразм вилояти Шовот туманида яшовчи Х.Рўзимбетовнинг бошқарувида бўлган «Нексия» русумли автомашинаси билан тўқнашув юзага келади.

Суд ҳар иккала ҳолат юзасиданда ўз ҳукмини ўқиди. Унга кўра, судланувчилар қилмишларига яраша жазосини олишди.

Юқорида транспорт воситалари ҳаракати, шунингдек, улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидалари бузилган холлардаги жиноий жавобгарликлар борасида қисқача сўз юритдик. Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, транспорт воситаларини бошқараётган ҳар бир инсон ҳушёр ва эътиборли бўлмоғи лозим. Шунда ортиқча кўнгилхиралик ва афсус-надоматга ўрин қолмайди.

Насиба РАЖАПОВА,
жиноят ишлари бўйича
Тўрткўл тумани
судининг раиси
Гулнора БАЗАРБАЕВА,
жиноят ишлари
бўйича Нукус шаҳар
судининг раиси

Oila rishtalari

Фарзанд келажаги

у ота-она зиммасига улкан масъулият юклайди

Маълумки, мамлакатимизда болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни кўришда судларнинг эътибори болалар ва оила манфаатлари ҳимоясининг муҳим кафолатларидан бири ҳисобланган қонунларга қатъий риоя этиш зарурлигига қаратилади.



Жумладан, Оила кодексида ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шартлиги, вояга етмаган болаларга таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота-онадан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилиши, вояга етмаган болаларга алимент тўлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаганда ёки алимент ихтиёрий равишда тўланмаганда ва ота-онадан бирортаси ҳам алимент ундириш тўғрисида судга даъво ёхуд ариза билан мурожаат қилмаган ҳолларда, васийлик ва ҳомийлик органлари вояга етмаган боланинг таъминоти учун ота ёки онадан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган.

Вояга етмаган болаларга алимент тўлаш, шунингдек, вояга етган, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларга таъминот бериш шартлиги, вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот бериш ота-онанинг мажбуриятлари тенгдир.

Агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ёки бошқа даромадларининг бир бола учун — 1/4 қисми, икки бола учун — 1/3 қисми, уч ва ундан ортиқ бола учун — 1/2 қисми миқдорида ундирилади. Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳволини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин. Бироқ ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Шу билан бирга амалдаги қонунларда ота-она вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот бериш шартлиги, вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот бериш ота-онанинг келишувига биноан амалга оширилиши, агар ота-она ўртасида бундай келишувга эришилмаган тақдирда низо суд тартибида ҳал қилиниши, бундай таъминотнинг миқдори суд томонидан алимент тўлаши шарт бўлган ота-онанинг оилавий ва моддий аҳволи ҳисобга олинган ҳолда, ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада ундирилиши белгилаб қўйилган.

Меҳнат лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож вояга етган болалар ота-онасидан, агар улар йўқ бўлса, қариндошларидан ўз таъминоти учун алимент талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда алимент миқдори суд томонидан алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг моддий ва оилавий аҳволи ҳисобга олиниб, пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши мумкин.

Бундан ташқари ота-она фавқулодда ҳолатлар (боланинг оғир шикастланиши, касал бўлиши ва ҳоказолар) туфайли келиб чиққан, боланинг таъминоти учун зарур бўлган қўшимча харажатларда иштирок этиши шарт.

Қўшимча харажатларда иштирок этишдан бош тортган ота ёки онадан суд уларнинг оилавий ва моддий аҳволини ҳисобга олиб, қўшимча харажатларни қисман пул билан тўланадиган қатъий суммада ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

Алимент ундириш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори ёки суд буйруғи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ижро этилади.

Суд тўланиши лозим бўлган алимент миқдоридан келиб чиққан ҳолда, болаларга нисбатан судларнинг ҳал қилув қарорлари мавжуд бўлса, уларнинг ҳар бирига тегишли бўлган алиментнинг тенг улушдаги янги миқдорини белгилайди.

Алиментнинг миқдорини камайтиришга асос бўлган ҳолатлар тугаган тақдирда, вояга етмаган болалар учун алимент олувчи шахс алимент ундириш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Вояга етмаган ёки вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига алимент тўлаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарорини бажаришдан бўйин товлаган шахслар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Муҳтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, кўрилаётган чора-тадбирларнинг барчаси инсон, шу жумладан, болалар қадр-қимматини оширишга, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилишга йўналтирилгандир.

Фахриддин СУВОНОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судининг раиси

Taassuf

Юртимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни ният қилганларга ўз имкониятини тўлиқ рўёбга чиқариши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Имтиёз, ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиш билан бирга тадбиркор қонун йўли билан белгиланган мажбуриятларни ҳам вақтида адо этиши керак.

Қонун ростгўйни қўллайди

Навоий шаҳар ҳокимининг 2005 йил 30 декабрдаги қарори билан «Нафис-Диёр-қурилиш» масъулияти чекланган жамияти давлат рўйхатидан ўтказилган. Ушбу масъулияти чекланган жамият уставига кўра, савдо-сотиқ, улгуржи савдо, қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириши кўзда тутилган эди. И.Раҳматов раҳбар бўлган ушбу жамиятда дастлабки вақтда иш дуруст кетаётганди. Аммо 2008 йилнинг июль ойидан Х.Юсупов ҳисобчи бўлиб иш бошлагач...

Назорат қилувчи идоралар томонидан масъулияти чекланган жамиятда 2008-2009 йиллар давомида солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан ҳужжатли тафтиш ўтказилди. Текшириш чоғида бир қатор жиддий қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилгани маълум бўлди.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, жамият раҳбари И.Раҳматов билан ҳисобчи Х.Юсупов 2008 йилда ягона солиқ тўловидан 3 миллион 629,1 минг сўм, 2009 йилда эса 2 миллион 196 минг сўмни ҳисоботда кўрсатмасдан яширишган экан. 2008-2009 йилларда жамиятга умуман алоқаси бўлмаган жисмоний шахсларга ўқиш контракт тўловлари учун ҳисоб рақамидан 2 миллион 755,5 минг сўм кўчириб берилган. Ҳожатбарорлик ўз йўлига-ю, бироқ бунинг учун даромад солиғи бўйича тўловлар тўланмаган. Шунингдек, текшириш даврида жамиятда жами 6 миллион 447,6 минг сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисоботларда камайтириб кўрсатилган. Оқибатда давлат бюджетига кўп миқдорда зарар етказилган.

И.Раҳматов ва Х.Юсупов ўзларининг жиноий ҳаракатлари билан Жиноят кодексининг 184-моддаси 2-қисми «б» бандида назарда тутилган жиноий қилмишни содир этишган. Суд қонун талаблари келиб чиқиб, судланувчи И.Раҳматовга иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади.

Судланувчи Х.Юсупов эса аввал ҳам шунга ўхшаш жиноятни содир этган, аммо амнистия актига асосан жавобгарликдан озод қилинганди. Ўзига кўрсатилган бағрикенглиқдан тегишли сабоқ чиқармаган Х.Юсупов такроран кўп миқдордаги солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятини қасддан содир этган. Шу боис суд Х.Юсуповга жазо тайинлашда муқаддам жиноят содир этиб, тегишли хулоса чиқармаганлигини эътиборда тутди. Унга нисбатан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади. Бир йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Ҳаётда тадбиркорлик фаолиятининг бошини тутиб, уни ҳалоллик ва ростгўйлик билан ўринлатаётган, ишга виждонан ёндошиб, вазифага масъулият билан қараётган, шунинг ортидан ҳам рўзғорини бутлаб, ҳар элга наф келтираётган, жамият равнақига равнақ қўшаётган юртдошларимиз жуда кўп. Бироқ гувоҳи бўлганингиздек, «Нафис-Диёр-қурилиш» масъулияти чекланган жамиятдаги қинғирлик, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашни асло оқлаб бўлмайди.

Гапнинг лўндаси, ҳақиқий тадбиркорга ростгўйлик ярашади. Қонун ҳам ростгўйни қўллайди, ҳалолликни ёқтиради.

Шерзод МАМИРОВ,
жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг судьяси



Шахмат ҳангомалари

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда)

ЎРИНЛИ МАСЛАҲАТ

1962 йилги чемпионатда Смислов спорт устаси Лев Аронин билан ўйналаётган партиясини кечиктиргач, уйига келиб позицияси нажотсиз эканлигини пайқайди. У ҳакамга телефон қилиб, мағлубиятини тан олмоқчи бўлади.

— Асло бундай қила кўрма,— дейди хотини Надежда Андреевна. — Сен курашишинг керак!

— Ахир, нажот йўқ-ку,— дейди Смислов хомуш бош чайқаб.

— Йўқ, бориб ўйнайсан — тамом!

Эртаси куни Смислов бориб ўйинни давом эттиради ва дурангга эришади.

— Надя, табриклайман, — дейди жаҳон экс-чемпиони уйига телефон қилиб,— сен эндшплни мендан кўра, яхшироқ тушунибсан.

ҲАҚҚИ БОР

Бир турнирда мухлислар Тал ва Фишердан дастхат сўрашади. Қайсар Фишер одатдагидек рад қилади.Ишқибозлар қуршовига тушиб қолган Тал эса енг шимариб икки киши учун дастхат бера бошлайди. Олдинига гажжак қилиб америкалик учун имзо чекар, сўнг ўз имзосини қўяр эди.

— Нега энди Фишер учун ҳам ишлаяпсиз? — ёнига келиб қолган бир шахматчи ҳайрон бўлади.

— Биласизми, — дея жавоб қилади Тал,— мен бу боёқиш болакайни кўп марта бурнини ерга ишқаб ютганман, шунинг учун унинг имзосиниям ажи-бужи қилиб пийпалашга ҳаққим бор!

ҲАР КАЛЛАДА ҲАР ХАЁЛ

Фишер халқаро турнирда ишонч билан ғалаба қозонганда унинг бўлажак жаҳон чемпиони эканлиги ҳаммага маълум бўлиб қолади. Ўша кунлари бир жойда маъруза ўқиётган Тал ёш ўсмирдан шундай хат олади: «Ҳозир мен учинчи тоифали шахматчиман. Агар Фишер ва Тални 20 партияда ютсам, тоифам яна қанчага ошади?»

Талнинг қуйидаги жавоби ўсмирнинг ҳафсаласини пир қилади: « Агар Фишерни 12 партияда ютсангиз, мен сиз билан ўйнаб ҳам ўтирмайман!»

ДОҒДА ҚОЛГАН РАҚИБ

Варшавадаги «Тимсоҳ ости» ресторанида халқаро шахмат устаси, граф Казимир Плятер пулга шахмат ўйнашни ёқтирарди. Польшалик шахматчилар димоғдор графни унчалик хушлашмасди. Шу боис уни бир боплаб таъзирини бериб қўйишга қарор қилишади. Бунинг учун улар ўзиям бир умр граф билан ўйнашни орзу қилиб юрган Талга мурожаат этадилар. «Плятер сени танимайди, у фақат ўзини биладиган одам», дея Тални хотиржам қиладилар.

Келишилганидек, Тал қойилмақом спектакл қўяди: олдинига графни ғафлатда қолдириб, жўрттага бир неча партияни ютқазиб беради, кейин,тикилган маблағнинг чўғи ошавергач, рақибига кетма-кет қақшатқич зарба бериб, уч минг злотих (ўша давр учун катта пул) пулини ютиб олади.

Графдан ютиб олинган бу пулга Талнинг тарафдорлари ресторанда маза қилиб кайф-сафо қиладилар. Эртаси куни Казимир Плятер телевизорда шахмат қиролининг кўпчилик мухлислар қуршовида сеанс бераётганини кўради-ю, бошини чангаллаб қолади.

ЧАҚИРСА БАС...

Тал қачонлардир циркда акробат бўлиб ишлайдиган бир қизга хуштор бўлган, кейинчалик йўллари айро тушган эди. Кунлардан бир куни цирк Сочига гастролга келганида қиз денгизда бироз чўмилиб олмоқчи бўлади. Йигирма метрча сузиб борганида у тўсатдан соҳилда айланиб юрган ва кўришмаганига кўп йиллар бўлган Талга кўзи тушиб қолади.

— Миша, мен шу ердаман! — дея хитоб қилади қиз. — Келақол ёнимга!

Тал хурсанд бўлиб қиз томон отилади. Аксига олиб шу куни денгиз ҳам бежо чайқалиб турган эди, Тал бир неча қадам юргач, қўлларини силкитганча сув остига кириб ғойиб бўлади. Қиз ўлгудек қўрқиб кетади ва чинқириб ёрдамга чақира бошлайди: « Тезроқ бу ёққа келинглар! Тал чўкиб кетяпти!» Яқин атрофда сузиб юрган эркаклар чуқурроқ шўнғиб, чўкаётган одамни тортиб чиқарадилар. Гроссмейстер зўрға ўзига келади. Тасодифий қутқарувчилар ўз кўзларига ишонмасдилар: «Буни қара-я, ростдан ҳам, Талнинг ўзи!»

Ниҳоят, Талнинг кўзи қизга тушгач, секин жилмайиб қўяди:

— Сени кўрганимдан жуда хурсандман!

— Мишагинам, сузишни билмасанг, сувга тушиб нима қилардинг?

— Азизам, ахир сен мени чақирдинг-ку...

АЁЛЛАР ИМКОНИЯТИ

Майя Чибурданидзе аёллар ўртасида шахмат тожини қўлга киритганда мухбирлардан бири Талдан сўраб қолди:

— Айтинг-чи, Майянинг эркаклар ўртасида чемпион бўлиш имкониятини қандай баҳолайсиз?

— Ҳарқалай, менинг аёллар ўртасида чемпион бўлиш имкониятимдан юқорироқ!

ҒАРОЙИБ ҲАЗИЛ

Тал турли даврлар, зиёфатларда қутилмаган, ғаройиб ҳазиллари билан кўпчиликни танг қолдириб, кулдириб юрарди. Бир куни ресторанда, вақт алламаҳал бўлиб қолганда Тал ногоҳ хитоб қилди:

— Официант! Суҳбатдошни алмаштиринг!

(Давоми бор)

Шодмон ОТАБЕК тайёрлади.

Куч—адолатда

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 030 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФАЕВ, Олимжон ИСМАИЛОВ, Шерали РАҲМОНОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Нуриддинжон ИСМОИЛОВ, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Муҳаммад АЛИ, Омонбой ОҚЮЛОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Дилбар СУЮНОВА, Масардин ҲАСАНОВ, Юлчибой ТУРСУНБОЕВ, Шоюнус ҒОЗИЕВ, Бахриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир: Алибек ЭРГАШЕВ

Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55

Буюртма: Г-718. Қоғоз бичими: А-2. Сотувда эркин нархда. Адади: 7204. 1 2 5 Топширилди: 01[20]